

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДҚ 894.375 (Камий) (092)

**Тўлабоев Олим Олтинович**

**Каримбек Камийнинг ҳаёт ва ижод йўли**

10.01.03 – Ўзбек адабиёти тарихи

**Филология фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун тақдим қилинган диссертация**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2010**



Тадқиқот Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
Ўзбек филологияси факультети "Магиструслик" миллий уйғониш ва хозирги  
Ўзбек адабиёти кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

**ҚОСИМОВ Бегали,**  
Филология фанлари доктори, профессор

Илмий маслаҳатчи:

**ҚАРИМОВ Баходир Нурметович,**  
Филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

**Тўхлиев Бокжон,**  
Филология фанлари доктори, профессор

**Дўстқораев Бойбўта Абдуганиевич,**  
Филология фанлари номзоди, доцент

Етакти ташкилот:

**Алишер Навоий номидаги Тил ва  
адабиёт институти**

Диссертация химояси 2010 йил декабр ойининг 29 кунин  
соат 14 да Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги фан доктори  
илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Д.067.02.16  
рақамли Ўзбекистон Республикаси Илмий-таълим вазирлигининг  
қарорига асосан кенгаш йиғилишида ўтказилди.

Манзил: 100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ, Ўзбек филологияси  
факультети, 409-ауд.

Диссертация билан Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
университети Илмий кутубхонасида танишиш мумкин (100174, Тошкент,  
Талабалар шаҳарчаси)

Авторреферат 2010 йил декабр ойининг 27 кунинда тарқатилди.

Ўзбекистон Республикаси Илмий-таълим вазирлигининг  
қарорига асосан кенгаш йиғилишида ўтказилди.

**А.А.Тилавов**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. XIX аср охири—XX аср бошларига келиб, қадим Туркистонда янги адабиёт пайдо бўлди. Бу кейинчалик "Миллий уйғониш адабиёти" деб номланди. Дарҳақиқат, у ана шундай хусусиятга эга адабиёт эди. Табиий, бу уйғонишнинг асосида миллий истиқлол ётарди. Миллатни маърифат воситасида уйғотиш, ўзлигини англаш, замонавий тараққиётга бошлаш ушбу адабиётнинг бош мақсади эди. Восита маърифат бўлганлиги учун ҳам жаҳон афкор оммаси бу жараёни "маърифатчилик" деб атади. Дунё маданияти тарихида жаҳон халқларини боғлаб турган иккинчи ходиса бор: бири Уйғониш (Ренессанс), иккинчиси Маърифатчилик. Бизнинг Миллий уйғониш адабиётимиз, нафақат шаклу шамойили, балки мақсад ва моҳияти билан ҳам жаҳон маърифатчилик адабиётининг ажралмас бир қисmidир. Инсоният тарихий тараққиётида маърифат ва маънавий тулунчалари ҳар доим ёнма-ён юради. Президентимиз И.А.Каримовнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарига адабий мерос маънавиятни шакллантирадиган ва маърифатни оширадиган асосий мезонлардан бири сифатида саналади. Унинг оғзаки ва ёзма намуналари миллий мафкурамиз ва маънавийтимизнинг шаклланишида муҳим асос бўлганлиги алоҳида қайд этилади. Асарда, жумладан, Миллий уйғониш адабиёти ва унинг вақилларига ҳам эътибор қаратилади: "Масалан, чоризм мустамлакаси даврида маърифат гоёсини бақанд кутариб чиққан жадид боболаримизнинг филоляти бунга яна бир ерқин мисол бўла олаш. Маҳмудхўжа Бехбўдий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Ихқон Ибрагим, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, хузур-ҳаловатидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло учмайди".<sup>3</sup> Кўп асрлик ўзбек адабиётининг энг мураккаб ва қизиқарли даврларидан бири, шубҳасиз, мана шу Миллий уйғониш даври адабиёти. Бу унинг мавзулари кўлами, ҳаётийлиги, Миллат ва Ватан ташвишига ҳамдрдлиги билан боғлиқ. Бунгача бирор давр ижодкорлари бир маслак агрофида бу қадар жипшлашмаган ва адабиёт ҳам муайян ҳаракат даражасига кўтарилмаган эди. Бунинг ўз сабаблари ва тарихий асослари бор. Проф. Б.Қосимовнинг қуйидаги фикрлари Миллий уйғониш адабиётининг туб моҳиятини ва бош мақсадларини англашга ёрдам беради: "Адабиёт ҳеч қачон Ватан ва Миллат тақдирига бу қадар яқин келган эмас эди. Ватан ва миллат тақдири ҳеч қачон бу қадар ҳам қарқ. ҳам фахр билан, ҳам изтироб, ҳам ғурур билан адабиётда акс эттирилмаган эди... Агар бу адабиётнинг бош мавзунини нима десайлар,<sup>4</sup> Миллат" дейиш керак бўлади, энг қаттиқ даради

<sup>3</sup> Қаримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т. "Маънавият", 2008. 49-бет.



шма деб савол қўйилгудек бўлса, "истиқлол" деб жавоб бериш керак бўлади".<sup>4</sup> Шоир Каримбек Шарифбек ўгли Камий ҳам мана шу адабиётнинг вакили эди. Шоир адабий меросини махсус фундаментал тарзда тадқиқ этиш эҳтиёжи мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Шоир Каримбек Камийнинг шахсияти ва шеъриятига расмий муносабат ўтган асрнинг 40-йиллари сўнгидан бошланди. Дастлаб Ойбек<sup>5</sup>, кейинчалик Х. Зарифов<sup>6</sup>, Ғ. Каримов<sup>7</sup>, А. Абдуғафуров<sup>8</sup>, Б. Қосимов<sup>9</sup> каби олимлар шоир ижодига турли муносабат билан тўхталиб ўтганлар. Камий ижодига оид биринчи махсус мақолани эса адабиётшунос А. Жалолов эълон қилди<sup>10</sup>. Олим кейинги ишларида ҳам, XIX аср охири XX аср бошлари Тошкент адабий мухитидаги шоирлардан бири сифатида, Камий ижодига алоҳида эътибор берди<sup>11</sup>. Шунингдек, М.Ҳамидова<sup>12</sup>, М. Зокиров<sup>13</sup>, Ш.Юсулов<sup>14</sup> сингари олимларнинг шоир ижодий фаолиятининг муайян бир қиррасини ёритувчи мақолалари чоп этилди. Шунга қарамаздан, Каримбек Камийнинг ҳаёт ва ижод йўли ушбу диссертацияга қадар монографияк планда тадқиқ этилмаган.

Диссертациянинг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ишининг мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети "Магнитунослик, Миллий уйғониш ва ҳозирги ўзбек адабиёти" кафедрасининг Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётини атрофлича тадқиқ этиш ва олий ўқув юртлари учун дарслик ва қўлланмалар тайёрлаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот режалари асосида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг йирик вақилларидан бири шоир Каримбек Камий адабий меросини тўплаш, илмий биографиясини яратиш, адабий мухити ва бу мухитдаги ўрнини тўплаш, этиш, шоир ижодининг асосий жанрлари ғоя ва мавзуларини белгилаш, адибнинг ўзи яшаган ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабати ва миллий позициясини аниқлаш, унинг даврни баддий идрок этиш даражаси ва ифода усулларини ўрганиш тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:  
— шоир Каримбек Камий ҳаёти ва ижодига оид манбаларни ўрганиб чиқиш ва ижодкор илмий биографиясини яратиш;

- Камий адабий мероси манбаларини таснифлаш ҳамда шоир асарларининг умумий қўлами ва ижодий эволюциясини аниқлаш; шоирнинг маслақдошлари, адабий мухити ва ушбу мухитдаги ўрнини белгилаш;
- Камийнинг мустамлакачи сиёсатга ва унинг раҳномаларига муносабатини, миллий позицияси ва миллий-сиёсий ҳаракат билан боғлиқ ижодий фаолиятини кўрсатиб бериш;
- шоир шеъриятининг асосий мавзуларини тайин этиш;
- Камийнинг адабий-эстетик қарашлари ва у фойдаланган жанрлари силсиласини аниқлаш;
- шоир шеърияти жанрларининг формал-поэтик таснифини амалга ошириш, уларнинг ўзига хос қонуниятни, назарий ва поэтик хусусиятларини очиб бериш;
- Камий ижодига салафларининг таъсири ва, аynи пайтда, шоирнинг ҳам ўзидан кейинги адабий авлодга таъсирини ўрганиш;
- шоир Камийнинг Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётдаги ўрни, мавқеи, хизматлари ва ижодининг ўзига хос жиҳатларини ёритиш.

Тадқиқотнинг манбалари. Уларни икки турга ажратиш мумкин:

- 1) Камий адабий меросининг манбалари; 2) ҳаёти ва ижодига оид манбалар. Адабий мероснинг манбаларига ЎзФАШИ фондида қарашли 5736, 7710, 659, 4182 ва Тошкент Давлат Педагогика университетининг "Ўзбек адабиёти тарихи" кафедрасига тегишли 56 рақамли қўлёзма баёзлар ҳамда XX аср бошларида чоп этилган "Баёзи Ўтаб", "Баёзи Ҳазиний", "Баёзи анги", "Баёзи мухалло", "Тухфат ул-обидин", "Василаи жонон", "Тулушани ашбор" каби тошбосма мажмуалар, шунингдек, шоирнинг шахсий архивда бўлган материаллар, "Туркистон вилоятининг газети" ("ТВГ"), "Тараққий", "Ойна", "Ал-Ислоҳ", "Садои Туркистон" сингари вақтли матбуот нашрлари кирди.

Ҳаёти ва ижодига оид манбаларга эса Муминжон Мухаммадҷонов — Тошкентнинг "Турмуш урунишлари" (1926), "Тошкент шоирларининг таржимаи ҳоллари" тазкираси, Муродхўжа Солиххўжа ўғлининг "Тарихи жадидаи Тошканд" га тақризи ва илова<sup>5</sup> си, П. Қайомовнинг "Тазкираи Қайомий" каби асарларни қайд этиш мумкин.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва илмий методи. Ишнинг методологик асосини истиқлол мафрурасининг назарий масалалари акс этган Президент И.А.Каримовнинг асарлари ташкил этади. Изланишлар давомида Шарҳ мумтоз адабиёти, жумладан, ўзбек адабиёти тарихи масалалари билан шуғулланган Е.Э.Бертельс, А.Фитрат, С.Айний, М.Шайхзода, Ғ.Каримов, А.Ҳайитметов, Ш.Юсулов, А.Абдуғафуров, Н.Каримов, Б.Қосимов, У.Долимов, И.Ҳаққул, Ҳ.Болтабоев, Ё.Исҳоқов каби олимларнинг назарий ҳамда методологик қарашларига таянилди.

Ҳимояга олиб чиқилган асосий ҳолатлар:

1. Каримбек Камий олти минг мисрадан зиёд шеърий ижод соҳиби, замондошлари томонидан эътироф этилган ҳамда асарлари ўз давридаёқ хорижий нашрларда чоп этилган ижодкор.

<sup>4</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш. — Т.: "Маънавият", 2002. 125-бет.  
<sup>5</sup> Ўзбек шеърияти антологияси. — Т.: 1948. 11-бет.

<sup>6</sup> Зарифов Х. Муқимий. — Т.: ЎзФА нашриёти, 1955.

<sup>7</sup> Каримов Ғ. Муқимий Тошкентда // Оуриқат ва Муқимий ҳақида мақолалар. — Т.: Баддий адабиёт нашриёти, 1958. 103-131-бетлар.

<sup>8</sup> Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётда сатира. — Т.: ЎзФА нашриёти, 1961.

<sup>9</sup> Қосимов Б. Исламий-қўлай тоғланми. — Т.: Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

<sup>10</sup> Жалолов А. Шоир Камий Тошкандий // "УТА" журнали, 1969 йил, I-сон, 53-56-бетлар.

<sup>11</sup> Ула муаллифи: Ўзбек маърифатпарвар-демократик адабиёти. — Т.: "Фан", 1978.

<sup>12</sup> Ҳамидова М. Қўлёзма баёзлар — адабий манба. — Т.: "Фан", 1981.

<sup>13</sup> Зокиров М. Мавлоно Камий // "Тошкент оқимон" газетаси, 1990 йил 14 декабр.

<sup>14</sup> Юсулов Ш. Маърифатпарвар шоир Каримбек Камий // "Туркистон" журнали, 1997 йил, I-сон.



2. Анъанавий йўлдан бошланган Камий ижодий фаолияти Миллий уйғониш даврининг маърифатчилик ва жадидчилик даврларини ўз ичига олган. Миллий уйғониш адабиётининг энг муҳим мавзу ва ғояларини ўзида мужассамлаштирган.

3. Чор мустамлака сиёсати ва унинг раҳнамоларига, XX аср бошларида юз берган Февраль инқилоби, Октябрь тўнтарыши, Туркистон мухторияти каби сиёсий воқеаларга миллий муносабатни ўрганиш ва тадқиқ этиш учун Камий асарлари ишончли адабий манба ҳисобланади.

4. Мумтоз абадий жанрлар ва шеърый шаклларнинг XIX аср охири XX аср бошларидаги тараққиёти ва такомиллини белгилашда Камий ижодиёти ҳам муҳим манба сифатида хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагиларда кўринади:

- аввало шоир Каримбек Камийнинг ҳаёти ва ижоди бирламчи манбалар асосида биринчи мартаба махсус ҳамда агрофлича тадқиқ этилди;
- шоирнинг илмий биографияси яратилди;
- Камийнинг адабий мероси тўплами, манбалари тасниф этилди ҳамда шоир асарларининг умумий кўлами ва ижодий эволюциясига аниқлик киритилди;
- шоирнинг устозлари, унга яқин замондошлари ва унинг билан адабий мулоқотда бўлган ижодкорлар аниқланди;
- Камийнинг замонасидаги ижтимоий-сиёсий вазиятга, баъзи тарихий шахс ва воқеаларга муносабати ўрганилди;
- шоир шеърыйи мавзулар бўйича тасниф этилди ва ҳар бир мавзу билан боғлиқ шеърыйи жиҳатлар кўрсатиб берилди;
- шоир шеърыйининг жанрлар таснифи амалга оширилди ҳамда жанрлар таркибдаги шаклий ранг-баранглик ва поэтик хусусиятлар тадқиқ этилди;
- Камий ижоди, бош мақсади миллий истиқлол ва замонавий тараққиёт бўлган, Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг ажралмас бир қисми эканлиги асослаб берилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ушбу диссертация Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти бўйича дарслик ва қўлланмалар ёзишда, ўзбек адабиётининг XIX аср охири XX аср бошларидаги тараққиётини ва мумтоз шеърый жанрларнинг такомиллини белгилашда ҳамда мустақиллик учун кураш тарихини ёритувчи тадқиқотлар яратишда қўл келади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижалари ва хулосаларининг мазмуни Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси ва журналистика факультети талабаларига ҳамда республика ёш олимларининг анъанавий илмий анжуманларида ўқилган маърузаларда ва вақли матбуотда чоп этилган мақолаларда ўз ифодасини топган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертация 2009 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети “Жаҳон адабиёти ва назария”, “Ўзбек мумтоз адабиёти”, “Матншунослик, Миллий

уйғониш ва хозирги ўзбек адабиёти” кафедраларининг қўшма йиғилишида муҳокама қилиниб маъқулланган. 2010 йил 8 ноябрда Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Д 067.02.16 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар муҳокамасидан ўтиб, ҳимоюга тавсия қилинган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Илмий изланишларнинг натижаси ўлароқ, шоир Каримбек Камий адабий меросининг асосий қисмини ўз ичига олган, “Дилни обод айлангиз” (Т.: “Мавнавият”, 1998) сайланмаси наشر этирилди. “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” (Т.: “Мавнавият”, 2004, 192-204-бетлар) дарслигига Камий алоҳида адабий сиймо сифатида киритилди. Диссертация мавзу юзасидан жами 19 та илмий мақола эълон қилинди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация анъанавий кириш, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташқари, ҳар бири иккитадан фаслни қамраб олган уч бобдан таркиб топган. Ишнинг умумий ҳажми 147 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, манбалари, илмий янгилиги, методологик асоси ва илмий методи, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорийланиши ва эълон қилиниши ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Камий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши ва манбалари” деб номланади. Боб икки фаслдан иборат. “Ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши” сарлавҳали аввалги фаслда Камийнинг ҳаёт ва ижод йўлига оид манбалар таснифи амалга оширилган, улар даврий (хронологик) ва киёсий нуктаи назардан ўрганиб чиқилган. Бундан мақсад шоир илмий биографиясини яратиш ва унинг ижодига муносабатлар тарихи ва тамойилларини тадқиқ этишдир. Дастлаб ушбу манбалар икки гуруҳга - кўлэзма ва нашрий манбаларга ажратилди.

Кўлэзма манбаларнинг дастлабкиси Мўминжон Тошқиннинг “Тошкент шоирлари” таъкирасидаги “Мавлоно Камий” мақоласи<sup>15</sup> ҳисобланади. Ушбу манба шоир ижоди ва шахсияти хусусида аниқ маълумот бериши билан ажралиб туради. Навбатдаги манба Муродхўжа Солиххўжа қаламига мансуб бўлиб, “Тарихи жадидгаи Тошканд”га тақриз ва илова<sup>16</sup> деб номланган, Муродхўжа домланинг маълумотлари қисқа. Шоир номини “Муҳаммад-карим”, таваллуд санасини эса “1870 мелодий йилларинда” шаклида тақдим этади.

<sup>15</sup> Тошқин М. Мавлоно Камий // Каримбек Камий. Дилни обод айлангиз. - Т.: “Мавнавият”, 1998. 120-139-б.  
<sup>16</sup> ЎЗР ФАШИ, Абдулла Носиров фойди, 98-рақамли кўлэзма, 11-б.



Пўлатжон Қайюмиёвнинг "Газираи Қайюмиёв" асарига эса "Камий" тахаллусли шоир иккита. "Намангонлидур" дейилган "Камий II"<sup>17</sup> нинг пайдо бўлишига "Туҳфат ул-обидин" баёзидаги нашри хато сабаб бўлган. Баёзда "Камий Намангоний" номи остида берилган иккала ғазал ҳам Каримбек Камийнинг дастхат баёзларида учрайди.

Нашрий манбаларнинг ҳам дастлабкиси Мўминжон Муҳаммаджон ўли - Тошқин қаламига мансуб "Турмуш урунлилари" (1926) китобида. Китоб араб алифбосида. Кирилл ёзувидаги "Антология узбекской поэзии"<sup>18</sup> "Узбек адабиёти"<sup>19</sup> каби мажмуаларда ҳам Камий ҳаётига оид маълумотлар мавжуд. Қўлзма манбалар сингари нашрий манбалардаги маълумотлар ҳам баъзи ноаниқликлардан холи эмас. Булар асосан учта: 1) Камий мадраса таълимини тутатганими, йўқми? 2) у "Бекларбег"<sup>20</sup> мадрасасида мудarrisлик қилганими? 3) шоирнинг таваллуд ва вафоти саналари масаласи. Биз Камий ҳаётига оид манбаларни қиссий ўрганиш асосида ушбу ноаниқликларга ойдинлик киритишга ҳаракат қилдик.

Фаслда Камий шахси ва унинг ижодига муносабатлар тарихи ҳам ўрганилди. Камийни яхши шоир сифатида эътироф этиш ўз замонасидан бошланди. Бунга Муқимийнинг "Биродари киромий мавлавий Камий"<sup>20</sup> деган сўзлари далил. Бу ерда устознинг шогирдга муносабати, қолаверса, унга берган баҳоси ўз аксини топган. Сидқий Хондайликкий эса:

*Эрусис суханарлик иқлимида,*

*Ажас шухрат бардору ойинишон*<sup>21</sup>,

...дея, Камийнинг ўша давр адабий иқлимидаги максеини кўрсатиб беради. Ушлик шоир Амоний эса Камий шайнига алоҳида мадҳия бағишлайди.<sup>22</sup> Ҳагто, унга "лисонул-гайб" дея таъриф беради.

Айни пайтда, шоёр шахсияти ва шеърлигига танқидий муносабатни кузатиш мумкин. Анбар отин шеърларидан бирида: "Эй Камий, шоирлик узра мунча қилманг доф-қоф"<sup>23</sup> - дея, танқидий назарни Камийнинг "шоирлик"ига қаратади. Шунинг учун ҳам биз ҳар иккала ижодкорни шоир сифатида шакллантирган омилларни ўргандик ва Анбар отиннинг Камийга танқидий муносабати унинг, айрича адабий-эстетик қараш билан боғлиқ, деган хулосага келдик.

Иброҳим Даврон эса танқид тигини шоирнинг шеърлигига қаратади. Камийнинг тасавуфий мазмун ташувчи:

*Харобот аҳлига қандо асайдан*

*Шаробу бўзаву майхона яхши (107).*

байтидан сўнги мисрани ажратиб олиб таҳлил қилади. Натижанда, шароб, бўза, майхона сўзларини тасавуфий истилоҳ сифатида эмас, ўз маъносида тушуниб, Камий байтини "сафсатаи махз"<sup>24</sup> га йўяди.

Шуро даврида ҳам Камий шахси ва унинг ижодига муносабат турлича бўлди. 1950 йили Москвада босилган "Антология узбекской поэзии" китобида: "Камий Ўзбекистонда прогрессив фикрнинг намоёндаларидан бири"<sup>24</sup> дейилса, адабиётшунос Ҳ.Зарифов: "...ажабо, Камий ҳайси прогрессив журнал ва газеталарда қатнашди? Камий қатнашган газета ва журналлар реакция гуруҳларнинг ўчоғи, прогресс душманлари (...) уламо ва жадидаларнинг органи эмасми?"<sup>25</sup> дея савол қўяди. Бугун бундай қараш билан баҳслашишга ҳожат йўқ. Лекин Ҳ.Зарифов Муқимий ва Камий муносабатлари масаласига ҳам эътиборни қаратиб: "Камий демократ шоир Муқимийга қарши ҳаракатда иштирок этди"<sup>26</sup>, дейди. Проф. Ғ.Каримов эса ўзининг "Муқимий Ташкентда"<sup>27</sup> мақоласида Ҳ.Зарифовнинг бу давросини асосли равишда инкор этади.

Адабиётшунос А.Абдуғафуров эса, Александр III вафотида ёзилган марсияга асосланиб, Камийни "реакцион шоир" сифатида баҳолайди.<sup>28</sup> Ҳолбуки, марсиянинг тағманосига эътибор берсак, у "оқ подшоҳнинг мадҳи" эмас, балки бутунлай тескари мазмун ифодаланганлигининг гувоҳи бўлаемиз.<sup>29</sup>

Камий ижодини махсус ўрганиш дастлаб адабиётшунос А.Жалолов ишларида кўринади. Шундан кейин М.Ҳамидова, М.Зокиров, Ш.Юсупов, Н. Каримов каби олимлар шоир ижодининг баъзи жиҳатларини ёритишга бағишланган мақола ва тадқиқотларини эълон қилганлар.

1998 йили Камийнинг танланган асарлари босмадан чиқди.<sup>29</sup> Унда шоирнинг уч минг мисрадан зиёд шеърлари ўрин олган. Бу Камий шахси ва ижодини атрофлича ўрганиш, тадқиқ этиш ва баҳолаш имконини беради. Унинг ижоди Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти бўйича Олий Ўқув юрти дастури ва дарсликларидан ҳам ўрин олди.<sup>30</sup> Айни ҳолат миллатпарвар шоир Камий ижодига ҳолис муносабтнинг натижасидир.

Ҳар бир ижодкор ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихи, айни пайтда, шу ижодкор мероси ва шахсига муносабатлар тарихи ҳамдир. Юқорида кузатганимиздек, Камий ижодига оид манбалар хилма-хил, муносабатлар ранг-баранг. Энг муҳими, қайси даврдан туриб ва қандай назар билан қаралмасин, у четлаб ўтилмаган.

Бобнинг "Адабий меросининг манбалари" деб номланган иккинчи фаслида Камий адабий мероси манбаларининг таснифи ва тавсифи амалга

<sup>24</sup> Антология узбекской поэзии. С. - 285.

<sup>25</sup> Зарифов Ҳ. Муқимий. 21-б.

<sup>26</sup> Ушга китоб. 20-б.

<sup>27</sup> Каримов Ғ. Муқимий Ташкентда // Фуркат ва Муқимий ҳақида мақолалар. 122-б.

<sup>28</sup> Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётда етира. 43-б.

\* Бу ҳақда қаранг: Олтинбек О. Камий оқ подшоҳнинг мадҳоси элими? // "Ёшлар" журналы, 2000 йил 4-сон, 32-33-бетлар.

<sup>29</sup> Камий К. Далил обод айлангиз. - Т.: "Мазнавият", 1998.

<sup>30</sup> Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. - Т.: "Мазнавият", 2004. 192-204-б.



оширилган. Шoir шеърлари, асосан, баёзларда сақланиб қолган. Уларнинг энг шиночлиси Камийнинг ўзи томонидан тузилган дастхат баёзлар. (ЎзФАШИ фондига қарашли 5736, 7710, 659 рақамли қўлёзмалар). Шунингдек, яна бир қатор қўлёзма ва тошбосма баёзлар борки, улар ҳам шoir адабий меросининг муайян бир қисмини ўз ичига олади. Ишда уларнинг сақланиш жойи ва рақами, кўчирилган ёки нашр этилган жойи ҳамда йили, ҳажми, котиби, ношири, ҳомийси ҳақида маълумот бердик. Шунингдек, ушбу баёзларда Камийнинг негизги шеъри мавжудлиги, уларнинг қанчаси такрор келганлиги, мавжуд шеърларнинг қайси жанрларга мансублиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтдик. Манбаларга хронология асосида тарғиб берилди. Бу, биринчидан, "Тухфат ул-обидин" (1910), "Василаи жонон" (1911), "Тулшани ашъор" (1911) каби шoir шеърлари такрор келган манбалар устида махсус тўхталлишга ҳожат қолдирмади, иккинчидан, шoir ижодий эволюциясининг ойдинлашувига ёрдам берди.

Шунингдек, Камий адабий меросининг яна бир турдаги манбалари мавжуд. Булар учта: 1) ЎзФА қошидаги Адабиёт музейида 209-рақам остида сақланаётган манба; 2) ЎзФАШИдаги Ҳ.Сулаймонов фондига тегишли 297IV рақамли папка; 3) ЎзФАШИга қарашли Абдулла Носиров фонди материаллари (20-рақамли йиғма материалларнинг 3-жилди). Ушбу манбалардаги материаллар шoirнинг шахсий архивидан олинган. Ундан Камийнинг шеър, мақола, таржималарининг қўлёзма нусхалари, вариантлари ҳамда шoirга келган турли хил мактублар ўрин олган. Ушбу манбаларнинг дастлабки иккитаси шoir ижодий лабораториясини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга.

Камий ижодининг яна бир манбаи вақтли матбуотдир. У ўз шеър ва мақолалари билан дастлаб "ТВ", кейинчалик "Улфат", "Тараққий", "Ойна", "Садои Туркистон", "Ал-Ислоҳ", "Ал-Изоҳ" каби миллий газета ва журналларда ҳам иштирок этган.

Мана шулардан келиб чиқиб, биз Камий адабий меросининг манбаларини қуйидагича таснифлашни лозим топдик:

I. Шoir асарларининг дастхат нусхалари:

1) қўлёзма баёзлар; 2) пароканда асарлар (Шахсий архив материаллари).

II. Бошқа мусаннифлар томонидан тузилган манбалар:

1) қўлёзма мажмуалар; 2) тошбосма баёзлар.

III. Даврий матбуот:

1) "ТВ"; 2) миллий матбуот.

Ушбу манбалар Камий ижодий фаолиятининг барча қирраларини ўзида қамраб олган ва уларда шoir ижодининг асосий қисми ўз аксини топган.

Диссертациянинг "Шахс ва шoir сифатида шаклланиши" деб номланган иккинчи боби ҳам икки фаслдан иборат. Биринчи фасл Камийнинг таржимаи ҳолига бағишланади. Ушбу фаслда, шoirнинг ҳаёт ва ижод йўлини параллел ўрганиш орқали, унинг илмий биографиясини яратилишига ҳаракат қилинди.

Каримбек Шарифбек ўғли Камий 1865 йили Тошкент шаҳридаги Сбзор даха Парчабоф маҳалласида, чопонфуруш-савдогар оиласида дунёга келди. Дастлаб маҳалласидаги Мансурхон домланинг мактабида савод чиқарди. 1980-81 йиллардан "Бекларбеги" мадрасасида ўқий бошлади, замонасининг машҳур мударриси Шомаҳмуд Охунд (1823-1903) да "хатми кутуб" қилди. Шундан кейин ҳам мадраса хужраларида қолиб ҳаёт кечирди. Айни пайтда, шoirга ўз ҳовлисида ҳам "бир уй-айвон баробар саҳн" жой ва "бир сидра уй-рўзгор (жихозлари) хозирлаб қўйилган" эди. Шунга қарамадан, табиати нозик, шахсий дахлизлиқни хуш кўрган шoir умрининг асосий қисмини мадрасада ўтказди. Оила кўрмади, отаси ва акаларининг савдо ишларига ҳам аралашмади. М.Тошқиннинг гувоҳлик беришича, "ёлғиз адабиёт ва шеър ёзиш билан машғул" бўлди<sup>31</sup>.

Замондошлари Камийни риндтабиат, "озода либос", хушгавозеъ ва беадаблиги ҳақида кўп ёзинган. Шoirнинг шеърлари ҳам шунга гувоҳлик беради. 1904 йили "Бекларбеги"да муллавақчалар кўлайиб кетиб, Камийга дарвоза ташқарисидаги хужралардан бири берилади. Бу ҳам етмагандек, Алижон исмли илмбехабар бир кўнори бола унга ҳамхужра тушиб, Камийни ўз ҳолича мутолаа қилишга ҳам, шеър ёзишга ҳам қўймайди. "Шoir Камий кўксорининг ўзини кўрмаслик учун хужранинг ўртасидан бир доқадан парда ҳам тутиб олди"(120), деб хотирлайди Тошқин. Балки шoir шу пайтларда:

*Ножинс элини, ёраб, бизга ҳабиб қилма,*

*Бу дарди бедавони ҳаргиз насиб қилма (81).*

деб ёзган бўлса, ажаб эмас.

Манбаларининг гувоҳлик беришича, фақирона яшашига қарамадан, Камий баъзи-баъзида Тошкентдан ташқарига ҳам чиқиб турган. Шoirнинг дўсти Абдумавлон Пахлавон вафотига ёзган таърих-марсияси уни 1899 йилда Чимкентга бўлганлигидан дарак беради. 1911 йилда Камийни Андрижон ва Хўқандда кўрамиз. Бу ҳақда Пўлатжон Қайомий шундай ёзди: "Шoir Камийни 1911 йилда Хўқанд шаҳрида кўрганим бордур... Ул бизга (...) тубандагича маълумот берди: Мен, шoir Мухйиннинг касал ётганини эшитиб, Андрижонга бориб эдим. Мен боргач, вафот этди. Ўзим тефада туриб, маросим адо этиб, кўмдириб қайтаётирман деди"<sup>32</sup>. 1912 йилнинг ёзида Камий М.Тошқин хамроҳлигида Авлиёота сафарига чиқади. Тошкент-Чимкент, Чимкент-Сайрам, Сайрам-Чимкент, Чимкент-Авлиёота, Авлиёота-Тошкент йўналиши бўйича юрилган бу саёҳат 45 кун давом этган. Шу йили сайрамлик шoir Юсуф Сарёмий (1840-1912) вафот этган ва Камий саёҳатининг сабабларидан бири ҳам шу таъзия эди. Булардан Камийнинг бизга маълум ҳар учала сафари ҳам вафот этган қайсидир биродарининг руҳига фотихаҳонлик билан боғлиқлиги маълум бўлади.

<sup>31</sup> Топилово М. Маълумо Камий. // Камий К. Деврий обод айлангича. 120-б.  
<sup>32</sup> Пўлатжон Домулла Қайомов. Газакеран Қамий. 2-жилд. 387-б.



Хамонки, сўз Камийнинг ҳаёт йўли устида борар экан, шоирнинг ижтимоий бурчи, миллий туйғуси ҳақида тўхталишимизга ҳам тўғри келади. Бу масалада бизга ёрдам берувчи баъзи омишлар мавжуд. Шулардан бири Камийнинг "ТВГ" ва миллий матбуотга иштироки билан боғлиқ. Матбуот тарихидан маълумки, Ўлкамизда 1906 йилга қадар маҳаллий тилда чоп этилган ягона газета бу - чор ҳукуматининг нашр афкори "ТВГ" эди. Табиий, Камийнинг матбуот билан алоқаси ва ҳамкорлиги айнан шу газетадан бошланган. "ТВГ"да шоирнинг жами 11та шеъри чоп этилган. Агар уларнинг нашр санасини хронологик тартибга солсак, Камийнинг ушбу газета билан 1893-1903 ва 1909-1911 йилларда ижодий мулоқотда бўлгани аёнлашади. Газета эса 1917 йилнинг февралига қадар ўз фаолиятини давом эттирган. Энди миллий нашрларамиз фаолияти санасига назар ташлайлик. 1906-1908 йиллар: "Тараққий", "Шуҳрат", "Хуршид", "Осиё"; 1913-1917 йиллар: "Самарқанд", "Садои Туркистон", "Садои Фарғона" газеталари, "Ойна" ва "Ал-Ислоҳ", "Ал-Изоҳ" журналлари. Камий ана шу газета ва журналларнинг деярли барчасида ўз шеър ва мақолалари билан иштирок этган, уларнинг чиқishi муносабати билан табрик-шеърлар ёзган. Ана энди Камийнинг миллий матбуот ва "ТВГ" билан ҳамкорлик қилган саналарга эътибор беринг. Маълум бўладики, шоир "ТВГ" тахририятига фақат унинг "якка ҳоким"лик давридагина мурожаат қилган. Бундан Камийнинг "ТВГ"га муносабати, қолаверса, у билан ҳамкорлик қилишдан кўзлаган макссади маълум бўлади.

Камий миллиятпарварлигининг яна бир қирраси унинг миллиятпарвар шахсларга бўлган муносабатида кўринади. Шулардан бири - Исмоилбек Гаспринский (1851-1914). "Ойна" журналининг 1914 йил 17-сонда Камийнинг "Муътабар "Таржимон" ва Исмоилбек Гаспринский жаноблари ҳақинда" номли шеъри босилган. "Таржимон" газетасининг 1898 йил 18 октябрь сониде эса шундай хабарга дуч келамиз: "Тошкентскому поэту Кемю! Вы прислали нам прекрасное стихотворение, полное похвал по нашему адресу. Спасибо, что если бы даже мы их заслужили, что всё таки печатать их в своей газете не решились бы. Присылайте что-либо другое." Бундан маълум бўладики, "Ойна"даги ушбу шеър чоп этилишидан 16 йил аввал ёзилган ва у дастлаб «Таржимон» газетасига жўнатишган. Камийнинг мазкур шеъри ўзбек адабиёти учун ҳам ва, айни пайда, шоир ижоди учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Биринчидан, бу - миллий адабиётимиздаги Гаспринский ҳаёглик чоғида ёзилган ва адибнинг ўзи ўқитган унинг ҳақидаги ягона шеър; иккинчидан, мазкур асар Камийнинг 90-йиллардаёқ Гаспринский голяри ва унинг "Таржимон" газетаси билан яқиндан таниш эканлигига гувоҳлик беради.

Камийнинг сиёсий позицияси XX аср бошларидаги миллий ҳаракатга ва сиёсий воқеаларга муносабатида янада яққолроқ кўринади. 1909 йилнинг 12 майида Тошкентда "Жамияти хайрия" ташкил топди. Жамиятнинг ўз олдига қўйган энг асосий мақсади миллиятнинг маиший-иқтисодий ва маънавий аҳолини яхшилаш эди. Ҳамма нарсга бориб сармоёга такалади. Усиэз барча гаплар курук, бутун ҳаракатлар беҳуда. Шунинг учун ҳам Камий

миллат бойларга мурожаат қилиб алоҳида шеър ёзди. Уларни, миллат тараққиёти йўлига хайру саховат қилишга даъват этади. 1916 йил Ўлкада очарчилик бошланди. Шундай бир танг ҳолатда алгов-далговли 17-йил ҳам кираб келди. Шу йилнинг 27 февралда чор самодержавиеси ағдарилди. Иккинчи мартда муваққат ҳукумат тузилди. Туркистон зиёлилари бу инқилобни хурсандчилик билан кутиб олдилар. Вақтли ҳукумат бизга хурият беради, деб умид қилдилар. Шулардан бири Камий эди. Буни шоирнинг:

*Тулуь айлаб бу кун бўрк Шарқдан офтобосо,*

*Мунаввар айлади олам, бўлай қурбони хуррият*<sup>33</sup>.

миераларидан хис қиламиз. Лекин афсуски, 25 октябрда тўнтариш юз берди. Бу ходиса муваққат ҳукуматни йўқ қилди, ўрнига пролетариат диктатурасини ўрнатди. Камийнинг "Шикоятномаи Камий аз инқилоби замона ва аҳли замона" шеъри мана шу "инқилоб"га шоирнинг ўзига хос муносабати эди. Шеърда, жумладан, шундай мисраларни ўқиймиз:

*Инқилоби замона эрмасму,*

*Қилди олийни настилар помол.*

*Зоти неку асллар гайр эрур,*

*Жонишин бадасилу ҳам арзол.*

*Шерлар ўрнига утиришидур*

*Тургу рубоҳу иту қишу шисол.*

*Рост келганга ўқшайди бу аср*

*Отдин ўзди эшак, деган бу мақол...*

*Нарқушу модатарвар улмиш халқ,*

*Бу нечук ишгулу бу нечук афъол...*

*Ушбу гамдин Камий не бўлди, дегил:*

*Чехраси сорису ёши ҳам ол. (115)*

1918 йилнинг 19 февралда Туркистон мухториятининг маркази Кўҳон шаҳри қонга ботирилди. Большевиклар шаҳар аҳолиси устига 12 замбаракдан ўт очилди, ёндирувчи снарядлардан фойдаланилди. Бу ҳам етмагандек, отнинг ўлими итнинг байрамга айланди. Энг муҳими, ота-боболаримиз неча йиллардан бери қалбнинг қаърида кўз қорачигидай авайлаб келаётган ва бунинг учун қанча қурбонлар берган миллий озоодлик ва истиқлол туйғулари барбод бўлди. "Афсуснома" шеърда Камийнинг бундан қаттиқ азият чекгани ва афсус-надомаглар қилгани маълум бўлади.

Миллатнинг бутун орзу-умидларини пулга чиқарган "булюк инқилоб"дан кейин Камий маърифатпарварлик гоёси билан яшади. Мақтаб-маориф ишлариға, кутубхоналар ташкил қилишда фаол иштирок этди. Шоир 1922 йилнинг ёзида 57 ёшида вафот этди.

Бобнинг иккинчи фасли "Устозлари ва алабий муҳити" деб номланди. Камий сабоқ олган адабий мактабнинг даврий ва худудий миқёси кенг. Шоир тузган баёзлар ҳам шундай дейишга асос бўлади. Баёзларда

<sup>33</sup> Эне Саид. Таълиланган асарлар. - Т.: Фабура Гулоом номидати Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. 49-б.



Камий ўзига устоз деб билган Жомийо Хўжа Исмаи, Навоийо Фузулий, Бедилу Мушфиқийлардан тортиб, то замондош шоирларнинг сўнги шеърларигача ўрин олган. Ушбу автограф баёзлар ижодкор кутубхонасини, яъни унга таниш бўлган китоблар ва муаллифлар силсиласини белгилашда, шоирнинг устозларини аниқлашда қўл келади. Шунингдек, Камий устоз деб билган шоирларни аниқлашнинг яна уч йўли бор: биринчиси, шоирнинг ўз эътирофлари, иккинчиси, замондошларнинг маълумотлари, учинчиси, адабий таъсир воситасида.

Мўминжон Тошқин ўз таъкирасидаги Камийга оид қисмини: "Мавлоно Камий ҳам Алишер Навоийнинг кичик бир шогирди" (120) деган сўзлар билан бошлайди. Муаллиф қуйроқда ушбу фикрларни яна давом эттириб, "унинг қўлида ҳар вақт Навоий асарларидан "Ҳамса", "Чор девон" ва "Маҳбуб ул-қулуб" бўлур эди. Айтган гагаларида мазкур асарларнинг таъсири қўб" (121), дея маълумот беради ва мана шундай таъсирнинг самараси ўлароқ яратилган Камий байт ва гагаларидан намуналар келтиради. Шубҳасиз, шоир шеърларида Навоий нафасини ҳис қилиш қийин эмас. Шунингдек, Камийнинг ўз эътирофига кўра, унинг устозларидан яна бири Абдурахмон Жомийдир. Шоир гагаларидан бирида:

*Пиримиз Жомий алайҳир-роҳманинг*

*Рухи нокига дуо қил, эй гўзал (107)-*

дея, хазрат Жомийни ўзига пир эканлигини ихор этади. Шунингдек, Мухаммад Фузулий, Абдулқодир Бедил каби шоирлар ҳам Камий учун устоз мақомидаги ижодкорлар ҳисобланади. Диссертацияда ушбу фикрларга асос бўлувчи маълумотларни келтириб ўтдик.

Камий ижодида, нафақат ўтмишдош, балки унга замондош шоирларнинг ҳам таъсири самарали бўлган. Шулардан бири Мухаммад Аммихўжа Муқимийдир. Муқимий ва Камий орасидаги дўстона ҳамда ижодий алоқалар адабиётшунослигимизда ўрганилган. 1894 йилда тузилган Камийнинг илк баёзида Муқимийнинг 41 та шеърига дуч келамиз. Улар борасида Муқимийнинг Камий гагалига ёзган мухаммаси ҳам бор. Айни пайтда, Камий ҳам устоз шоир гагалига мухаммас боғлаган, қатор гагал ва мураббаларига тагабулур битган, унинг "От" туркумидаги мухаммаслари йўлида ўзининг "Мухаммас дар мазаммати асп" шеърини ёзган.

Камийнинг замондош устозлари ҳақида гап кетганда, ўз даврида "Набирахон ҳазрат" номи билан машҳур бўлган Миён Фазл Қадр (1856-1928) ҳақида тўхталмасликнинг илоҳи йўқ. Шоир ушбу зот васфида "Дар тавсифи пири равшанзамиру муштамилбор" деб унвонланган 45 мисрала мухаммас битган (79-80). Мухаммасда уни "пирым" дейди, "Боязиди вақт", "муриши балад", "ҳодийи тарийқ", "сулуки тариқатда раҳнамо", "Худо келган аббу жадд" сўзлари билан таъриф тавсиф этади. "Пирсизнинг пири шайтон" ибораси ақида бўлган у замонда Камий бирор пир этагини ушлаши табиий эди. Демак, юқоридаги мухаммас шуни кўрсатадики, Камий ҳам тариқат ахлидан ва унинг пири нақшбандиянинг ўша замондаги раҳнамоларидан бири Миён Фазл Қадр эди. Шоирнинг сўфиёна руҳдаги шеърлари ҳам шунга

далолат қилади. Тошкент шоирларига оид бой материаллар тўплаган Абдулла Носиров Миён Фазл Қадрга тўхталиб, бу зотнинг «Лузуъий» (закий, заковатли) тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзганлиги ҳақида хабар беради. Демак, Миён Фазл нафақат замонасининг маънавий раҳнамоси, балки шу даврдаги Тошкент адабий муҳитининг вакилларидан бири ҳам эди.

XIX асрнинг сўнги чорагида Тошкент адабий муҳити ҳар қачонгиданда кенгрок қанот ёзди. Муҳитдаги бедилхонлик мажлислари, турли адабий суҳбатлар Камий бадий тафаксурининг шаклланишида зўр аҳамият касб этади. Бундай суҳбатларда қори Фазлуллох Алмай, Мираҳмадхон Мирий-Шошқ, Пирмуҳаммад Аълам - Қотиб, ҚосимхонҒура Музтариб, Алоуддин Фунуний, Исомуҳаммад Гулшан, Юсуф Сарёмий сингари шоирлар иштирок этганлиги ҳақида маълумотлар бор. Камийнинг қуйидаги гагали мана шундай фараҳбахш суҳбатлардан бирининг натижаси ўлароқ дунёга келган эди:

*Эдук афсурда табуъ тийра хотир неча муддатдин,*

*Кўнгул бўйди мунаввар, чашимиз равшан бу суҳбатдин.*

*Очлоди зунчаи мақсуд, кўжорди сабзаи уммид,*

*Баҳори суҳбати арбоби фазлу ахли фитнатдин...*

*На хушдур, жсамъ улуб бир буржега фазлу камол ахли*

*Сурайёдек бериб бир-бирга баҳра нури сафватдин. (18)*

Дарҳақиқат, бундай адабий суҳбатлар табиати суствлашиб (афсурда табуъ), истеъдоди хира (хйра хотир) тортиб турган ҳар қандай шоир кўнглини мунаввар, кўзларини равшан этади, ижод боғчаларида «гунчаи мақсуд»лар очади, «сабзаи уммид»лар кўкартиради. Камий бу мажлисларни «баҳори суҳбат», «висол айёми» деб таърифлайди. Висол айёми, ундан кўнглилар ойнаси сайқал топади - "ларду кулфат"лардан, "занги кудурат"лардан фориг бўлади. Ахли суҳбат ҳам шунга лойиқ. Улар "арбоби фазлу ахли фитнат"лар, (фазилат ва фатонат соҳиблари). «Фазлу камол ахли» бўлган бу суҳбатдошлар Хулқар туркумидаги юлдузлар (Сурайё)дек бир-бирларига нур беради - ижодий қувват бахш этади. Камийнинг шоир сифатида шаклланишида ушбу суҳбатлар алоҳида аҳамият касб этади. Айни чоқларда шоирнинг Бекларбегидидаги ҳужраси ҳам мана шундай гурунглари-нинг марказларидан бирига айланди. Давра бир қадар кенгайди. Тошкентлик шоирлар сафига Кўқондан Фурқагу Муқимий, Намангандан Нодимлар кўшилди.

Ушбу давр Камий даврасида, нафақат шоирлар, балки хофизу бастакор мақомидаги улуг санъаткорларни ҳам кузатамиз. 1891 йилнинг 29 сентябрида замонасида "Мақайлик", "Мақайхон" номлари билан шуҳрат толган Мухаммаджон Қосимбой ўғли Тошкентга ташриф буюрди. Ушбу узоқ кутилган ташрифни Камий «Хуш келдингиз» (27-28) радифли гагали билан қарши олди. Баъзи манбаларда Камийнинг мулла Тўйчи Ҳофиз билан ҳам яқин ижодий-алоҳада бўлганлиги, ҳатто унинг айрим гагалари машҳур хофиз репертуаридан ўрин олганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Шоир нафақат ижрочилари, балки муғтоз муסיқамизнинг тарихи ва назарияси билан ҳам жиддий кизиққан. Унинг дастнавис баёзларидан бирида муғтоз



музыка назариясига оид Дарвеш Бобои Сақонинг “Қўзанома” асари<sup>34</sup> жой олганлиги мана шу фикрга асос бўлади. Буларнинг барчаси Камийнинг миллий мусика маданиятимиз тарихи ва назариясидан яхшигина хабардор эканлигини, айти пайтда, ўзи ҳам миллий мақомлар йўлида ғазаллар ёзгани ва уларнинг ижрочиларига алоҳида эҳтиром билан қараганига далилат қилади.

90-йилларнинг охирига келиб Камийнинг ўзи ҳам устоз шоирлар сафидан ўрин олди ва эндигина адабиётга кириб келаётган янги авлоднинг аксарияти шеър илмида айнан Камийдан таҳсил олдилар. Манбаларда Сидқий Хондайликкий, Хислат, Мискин, Мутевий, Сиддикий, Тошқин каби шоирларнинг “шеър ва адабиёт устози” Камий эканлиги айтиб ўтилади.

Камий кейинги авлодга ўз ижоди билан ҳам адабий таъсир кўрсата олган шоир эди. Бу таъсир услубий жиҳатлардан тортиб, то мавзу танлашгача сезилиб туради. Сидқий Хондайликкий, Нозимахоним, Хислат, Мискин каби шоирларнинг қатор шеърларида Камий нафасини пайқамаслик мумкин эмас. Тахмис – шоирнинг адабий таъсир доираси ва даражасини белгилашда қўл келадиган шеър йўлларида бири. Камий адабий мероси таркибиде биз саккиз шоирнинг саккиз ғазалига ёзилган тахмисларга дуч келамиз. Ўз ўрнида Камий ғазалларига ҳам тахмислар боғланган. Улардан ҳозирча ўн таси маълум. Тахмис боғловчилар: Муқимий, Сарёий, Сидқий, Хуришд, Дилафтор, Васлий Самарқандий, Сўфий Хоразмий, Муҳаммадулар Марғиноний, Ажзий Хўқандий ва Ғарибий Хўқандийлар. Назарий адабиётларда: «Тахмислар шоирга манзур асарларгагина ёзилгани»<sup>35</sup> айтилади. Бу Камий ғазалларининг замондош шоирларига манзур ва адабий таъсир кучига эга бўлганидан далилат беради.

Хуллас, Камийнинг ҳаёт ва ижод йўли XIX аср охири XX аср бошларида юртимизда кечган сиёсий-ижтимоий воқеаларнинг туб моҳиятини англашда, ўша пайтдаги миллий адабиётимизнинг адабий алоқалар доираси ва мавзулар кўламини белгилашда, жаҳид адабиётининг миллий истиқлол учун кураши тарихини ёритишда ҳамда Тошкент адабий муҳитининг энг асосий хусусиятларини тайин этишда алоҳида аҳамиятга эга. “Камий шеърятининг мавзулари ва жанрлари” деб номланган учинчи боб ҳам икки фаслдан иборат. “Мавзулар кўлами ва услубий ўзига хослик” сарлавҳали дастлабки фасл шоир адабий-эстетик қарашларига оид байт таҳлилидан бошланади. Камий шеърларидан бирида:

*Ўқинг ашъори бикру фикрни, айланг тасарруфқим.*

*Аторуд ташласун кўламини кўжда ҳайратдин (18), -*

деган эди. Демак, Камий замондош шоирлари олдида фикрни ўзгартирадиган, қотиб қолган тафаккурни ислоҳ қиладиган, мутлақо янги - боқира шеър (“ашъори бикр”) талабини қўймоқда. У шундай оқорли ва боқира бўлсинки, ҳатто Аторуд (Шарқ мифологиясида қаламкашлар ҳомийси) ҳайратдан

қаламни ташлаб юборсин. Шоир мана шундай талаблардан келиб чиқиб ижод қилди. Бизгача унинг беш минг мисрага яқин шеърлари етиб келган. Шеърятининг мавзулари ҳам, услублари ҳам ранг-баранг.

Ишда шоир шеърларини асосан уч мавзуга бўлиб тадқиқ этдик: 1) ишқий; 2) маърифий; 3) ижтимоий. Булардан ишқий мавзудаги шеърлар Камий ижодининг асосий қисмини ташкил этади. Шунингдек, ушбу шеърларда муаллифнинг дунёқараши ва маслага, замона ва аҳли замонага муносабати, таржимаи ҳолига оид баъзи нуқталар ҳам ўз ифодасини топган. Шунга қарамадан, ишқий шеърятининг бош мавзуи ишқ, албатта. Шунинг учун ҳам биз дастлаб, ишқ нима, ошқ қим деган савол қўйдик ва Камий шеърларидан ушбу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик. Камийнинг ишқий шеърятини бошқа мавзудаги шеърларидан бадиий стуклиги билан ажралиб туради. Шоирнинг ишқий оламига у шеърларида қўллаган поэтик воситаларни англаш орқалигига кириш мумкин. Уларда мужгон – ханжар, тиги Исфаҳоний, тийр, ўк, пайкон; қош – ёй; соч – мулки Хабаш; юз – Рум; хол – Ҳинд шочи, маъдани малоҳат, занги; лаб – ҳавзи Кавсар, оби-ҳайвон; шакарнинг қони каби поэтик титмослар ёрдамида ифодаланганлигининг гувоҳи бўласиз. Булар Камийнинг бир поэтик образдан бир нечта параллелларда моҳирона фойдаланганидан далилат беради.

Шоирнинг вазфаси ёрни тавсифлаш билангина тугамайди. У, аввало, ўз кечинмаларини, қалбини изтиробга солган туйгуларни ифодалаши лозим. Бу йўлда Камий булбул, қумри каби поэтик образлардан фойдаланади. Уларни ўзига қисматдош, дардларига ҳамдард билади; баҳонада ўзидан, ўз дардларидан сўз очади. Булбул, қумри каби образлар эса шу дарднинг бошқача бир услубда ўз ифодасини топишга хизмат қилади.

Камий нафақат мавжуд анъанавий образлардан фойдаланди, балки ўзи ҳам янги поэтик титмослар яратди. Бу ҳам қўпроқ унинг ишқий лирикаси билан боғлиқ. 1904 йили рус-япон уруши бошланди ва 1905 йил бу уруш Япония ғалабаси билан ниҳоясига етди. Мазкур уруш ҳам Камий ижодида ўзига хос из қолдирган. Шоир ғазалларидан бирида шундай ёзади:

*Мулки дил олди сипоҳи зулф ила*

*Зулфиму ё лашқари ёномдур?! (47)*

Байтнинг биринчи мисрасида ёрнинг сочлари (зулфи) ошқ дилини забт этганлиги (“олди”) ҳақида сўз кетяпти. Демак, зулф забт этувчи (олувчи) образ, дил эса забт этилган “мақон”. Иккинчи мисрага эътибор берсак, айнан шу зулф билан “лашқари ёпон” тенг қўйилмоқда. Анъанавий шеърят услубига кўра, зулфга нисбаган берилган «олувчилик» сифаги “лашқари ёпон”га ҳам алоқадор. Эътиборли жойи шундаки, қаерда «ёпон» (ёки “жолун”) лафзи учраса, ўша байтда, албатта, “олди” (яъни, забт этди), “лашқар” сўзларига ҳам дуч келамиз. Шоирнинг шундай байтлари (улар учта) айнан бешинчи йилдан кейинги ижодида учрайди. Ушбу далил, биринчидан, Камийнинг ўз давридаги сиёсий воқеаларни зийраклик билан кузатиб борганлигига, иккинчидан, тезкорлик билан бадиий образ яратиш қобилиятига эга эканлигига далилат қилади. Хуллас, Камийнинг ишқий

<sup>34</sup> Ў.Р. ФАШИ fondi, 659-рақамли кўлемга баё.

<sup>35</sup> Ҳотамов Н., Сарясқов Б. Адабиётшунослик терминларининг ўзбекча-русча изоҳли луғати. - Т.: “Ўқитувчи”, 1983. 318-бет.



лирикаси бошқа мавзудаги шеърларидан ўзининг бадиий етуклиги ва поэтик кашфиётларга бойлиги билан ажралиб туради.

Маърифат - миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг бош мавзуи. Бу ўша замон ва унинг миллат олдига қўйган янги-янги муаммолари билан боғлиқ, Камийнинг маърифат мавзуидаги дастлабки шеърлари ilk баёзида (1894 йил) учрайди. Шундан кейин шoir маърифатпарварлиги ўсиб, шаклланиб борди. Уларни икки даврга бўлиб ўрганиш мумкин: бешинчи йилгача ва бешинчи йилдан кейин. Биринчи даврга мансуб шеърлар ўзининг анъанавийлиги билан ажралиб туради. Буни услубда ҳам, фикрда ҳам, маънавий-ахлоқий идеалда ҳам кузатиш мумкин. Иккинчи давр эса 1906 йилда чоп этилган "Ҳиммат ва ғайрат" мақоласидан бошланади. "Биз кеча-қундуз таҳсили улум ва маорифа сазй ва ғайрат эдалим. Динимизи, қавмият ва миллатимизи муҳофиза учун лозим: ўқиялим, қолишалим", - ўқиймиз мақолада. Бу сўзларда иккинчи давр Камий маърифатпарварлигининг максад ва вазифалари ўз аксини тошган. Демак энди ўқил, яъни маърифат ҳосил қилишдан максад бор. Бу - диний бутунликни сақлаш ва миллий ўзлиқни химоя қилиш. Эътибор беринг, мустамлакачиларнинг мафкуравий «камон»лари учун нишон айнан шу нуқталар эди. Мана шу мақоладан кейин Камий маърифатпарварлик шеърияти тўрт хил сифат ўзгаришига учраганини кузатиш мумкин: 1) Шоирнинг хитоби миллатга, маърифатчилик ғоялари эса миллий манфаатга қаратилди. (Аввалги маърифатпарварлигида хитоб шахста, фикр эса илм эвазига эришиладиган шахсий манфаатга қаратилган эди); 2) шоирнинг дунёвий фанларга муносабати ўзгарди. Камий дастлабки шеърларидан бирда диний илмни «таҳсили хўб», дунёвий илмни эса «дуру дағал» (тубан ва дағал) атаган эди. Зикр этилган мақолада шoir учун илмларнинг ҳар иққаласи ҳам муҳим саналади. Зеро, улардан бири миллатнинг замонага мос яшашни, иккинчиси эса рухий-эътиқодий бутунлиги учун зарур эди; 3) Шеърларининг мазмун-мундарижаси кенгайди. Маърифатнинг ёнига миллий-ижтимоий ва ахлоқий муаммолар қўшилди; 4) жанрлари ўзгарди. Камий маърифатни тарғиб этишда дастлаб асосан ғазал жанридан фойдаланган бўлса, кейинги даврга келиб бу вазифа муҳаммас ва мусаддаста юклатилди. Бу маърифатпарварлик шеърларининг мавзу доираси кенгайганлиги ва (ҳар байти икки мисрадан иборат) ғазалнинг тасвир ва ифода имкониятлари чекланганлиги билан изоҳланади.

Маърифатпарварлик - Камий ижодий фаолиятининг қарийб ўттиз йилини (1893-1922) ўз ичига олади. Шоир маърифатпарварлигининг даврий жаҳатдан кенг қамровлилиги, давомийлиги ва тадрижийлигига эътиборни қаратган профессор Ш. Юсупов: "Замондошларининг аксар қисмига насиб бўлмаган бахт Қаримбек Камий Тошкандийга насиб этди"<sup>36</sup>, дейди. Дарҳақиқат, Камий ҳаётининг сўнги дақиқаларига қадар миллатни маърифатга даъват этди. Унинг истибодод исканжасидан халос бўлиши,

миллий истиқлол ва жаҳоний тараққиётга эришиши йўлида энг асосий восита деб маърифатни билди.

Қаримбек Камийнинг ижтимоий шеърияти у яшаган ижтимоий ҳаёт ва унга замондош ижтимоий тоифалар ҳақида. Камий яшаган давр ҳақида Мўминжон Тошқин шундай ёзган эди: "Мавлоно Камий хонлар замонида эмас, чор ҳукумати ва унинг мустамлакаси бўлиб эзилмоқда бўлган Ўрта Осиёда яшайди"(121). Хўш, шоирнинг миллат мустамлака ўлароқ "эзилмоқда бўлган" ушбу замонга муносабати қандай? Бу муносабат қай тарзда ва қандай шаклларда ўз ифодасини тошган? Биз Камийнинг ижтимоий мавзудаги шеърларига айнан шу нуқтаи назардан эътиборни қаратдик. Натжада, шоирнинг "Шикоятномаи Камий аз чарх", "Афсонама", "Шикоят Камий аз инқилоби замона ва аҳли замона", Александр III вафотига марсия ҳамда "Алҳазар, эй шoҳи золим, алҳазар" деб бошланувчи бир қатор шеърларини таҳлилга тортдик. Тўғри, уларнинг услублари ҳар хил. бири шикоят, бири марсия ва яна бири ҳасби хол тарзида. Лекин бу шеърларининг барчасини шоирнинг замонга, мустамлака сийсатига ва унинг ҳукмфармоларига муносабатининг яқинлиги бирлаштириб туради.

Камий шеъриятидаги "аҳли замона" ибораси эса асосан маҳаллий муҳитдаги миллий-ижтимоий тоифаларга нисбатан ишлатилган. Шоир шеърларидан бирида:

*Беҳуд этким, замона аҳлидан,*

*Бўди кўнглим фиғор, эй соҳий (44), -*

деган эди. *Фигор* - жароҳат, яра. Хўш, замона аҳли Камий кўнглини нимаси билан жароҳатлаган, қайси ишлари билан унга озор етказган эди. Шоирнинг «Минг асаф, бир ажаб замон ўлди» (95-96) деб бошланувчи мусаддасида мана шу саволларга жавоб топамиз. Камий мазкур шеърда замон аҳлининг ахлоқий тубанликлари, фикрий бузуқликларидан сўз очади. Миллат орасида иттифоқнинг эмас, нифоқнинг, маърифатнинг эмас, жаҳолатнинг, "ҳаёу шарму адаб"нинг эмас, фисқу фасоднинг ҳукмронлигини кўради. Бундан дили қонга тўлади: "Дилки, миллат ғамдин қон ўлди"(95). Юқоридаги барча ноҳуш ҳодисаларга «хамма иш чафасига кетти кулаб» деб баҳо беради. Камий ижодида «аҳли замона» бир поэтик восита. Шоир у орқали замоннинг умумий манзарасини яратишга ҳаракат қилади. Бунинг учун у чор Россиянинг императоридан то маҳалла чойхонасининг чойфурушигача бўлган тоифалардан поэтик восита сифатида фойдалана олган. Бу - қисмда бутунни, бошқачароқ айтганда, томчида денгизни акс эттириш усули. Мана шундай поэтик образлардан яна бири ижодкорнинг «мен»и. Шоир шеърларидан бирда лирик қахрамон тилидан: "Ўз шаҳрим аро ғариб эканман", (48) дейди. Камийдаги бу "ғариб"лик замирида ўз юртида яшаётган бир шоирнинг топалаётган ижтимоий эркию эътиқодий бурчи, инсоний нафсониятию орзу-истаклари ётибди.

Хуллас, Камийнинг ижтимоий шеърияти мураккаб замоннинг энг муҳим воқеа-ҳодисаларини ўзида акс эттирганлиги ва бунинг учун ранг-

<sup>36</sup> Юсупов Ш. Маърифатпарвар шоир Қаримбек Камий // Гулистон, 1997 йил, 1-сон, 60-б.



Диссертацияда Камий таърихларига асосланиб, жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари, композицион курилиши, поэтикаси ва шоир таърихларининг аҳамияти ҳақида атрофлича тўхталишга ҳаракат қилдик.

Шунингдек, Камий ижодида мумтоз шеърятимизнинг рубойи, қитъа, маснавий, муаммо, фард сингари кичик жанрларда ёзилган асарларни ҳам учратиб мумкин. Хуллас, Камий шеъряти, жанр нуктаи назардан, мумтоз поэзиямизнинг тадрижий давоми. Шоир аънани давом эттирди, аини пайтда, ушбу жанрларнинг мазмун-мундарижасини бойитди ва поэтик имкониятларини кенгайттирди.

Камий адабий мероси, нафақат мустақил ижод намуналаридан, балки таржималардан ҳам иборат. Маълумки, 1911 йили шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий "Тулистон"нинг ўзбекча изоҳли таржимаси "Шавқи Гулистон" номи билан чоп этилган. Таржимон тошкентлик Муродхўжа Солиххўжа ўғли. Китобнинг "Сабаби таржима" қисмида таржимоннинг ёзишча "Тулистон"даги шеърий парчаларни замонасининг "шуарои изом"лари амалга оширган. Ҳ. Сулаймонов фондига (ЎзФАШИ) қарашли 297-IV рақами папкада шу шеърий парчалардан ўн еттисининг таржимаси Камий дастхати билан сажланади. Демак, маълум бўладики, Камий Саъдий "Тулистон"нинг янги таржимасида бевосита иштирок этган. Бу — шоир ижодий фаолиятининг яна бир қирраси сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

## ХУЛОСА

- Қаримбек Шарифбек ўғли Камий XIX аср охири XX аср бошларида яшадиган ижод этган Тошкент адабий муҳитининг йирик ижодкор, унинг шахсияти ва Камий ўз замонидаёқ эътироф этилган ижодкор, унинг ҳаётлик даврида шеърятига оид дастлабки муносабатлар шоирнинг ҳаётлик даврида бошланган. Мавлоно Муқимий, Сидқий Хондайликӣ, Амоний каби замондошларининг эътирофлари шулар жумласидандир.
- Камий ижоди расмий шўро адабиётшунослиги назардан ҳам четда қолмади. Гарчи баъзан шоирнинг шахси ва ижодига тор мафкуравий нуктаи назардан ёндашилган бўлса-да, барибир, ушбу адабий мероснинг тадқиқ этилиши айнан шу даврдан бошланди.
- Мустақиллик йилларида эса Камий ижодини махсус ўрганиш, қайта баҳолаш ва асарларини чоп этишга алоҳида эътибор берилди.
- Камий адабий меросининг манбалари ҳам ранг-баранг. Уларни баъзи хусусиятларига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) шоир асарларининг дастхат нусхалари; 2) бошқа мусаннифлар томонидан тузилган манбалар; 3) вақтли матбуот нашрлари.
- Камийнинг таржимаи холига оид манбалар шоирнинг ҳаёт йўлини, адабий меросига тегишли манбалар эса унинг ижодий эволюциясини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Шоирнинг ҳаёт ва ижод йўлини параллелликда тадқиқ этиш натижалари эса унинг илмий биографиясини яратишга хизмат қилади.

Баранг поэтик усул ҳамда воситалардан фойдаланганлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Диссертациянинг "Жанрлар таснифи ва поэтикаси" деб номланган навбатдаги фасли Камий шеърятининг жанрларига оид. Бунда шоир ижодида учрайдиган муайян жанрнинг миқдори, шакллари, ўзига хослиги ва поэтикасига эътибор қаратилди. Уларнинг дастлабқиси ғазал. Камийнинг 230 га яқин шеърларидан 128 таси шу жанрга мансуб. Жанр назариясига оид тадқиқотларда ғазалнинг бир неча шаклий-поэтик кўринишлари ҳақида маълумотлар берилди. Улардан энг кўп учрайдигани оддий ғазал. Камий ижодида ҳам шундай. Ғазалнинг зебоқофия шаклида эса шоирнинг биргина ғазали бор. Адабиётшунос О. Носиров ғазали зебоқофия мумтоз адабиётимизда фақат Аҳмадхўжа ас-Сароий ва Сайфи Сароийлар ижодидагина учрашини қайд этади<sup>37</sup>. Демак, Камийнинг хизмати, нафақат кўп асрлик аънани давом эттирганлигида, балки миллий шеърятимизда саноқли бўлган ғазали зебоқофияни яна биттага кўпайтиргани билан ҳам белгиланади. Камий ижодида учрайдиган ғазал шаклларидан яна бири ғазали тазминдир. Тазминда ғазалнавис бошқа бир шоирнинг бир ёки икки машхур байтини "орият йўли билан келтирур"<sup>38</sup>. Агар ориятга олинган байтнинг муаллифи кўрсатилса, тазмин мусарраҳ, кўрсатилмас тазмин мувоҳам дейилади. Камий ғазалиётида тазминнинг мусарраҳ шаклларига дуч келамиз. Улардаги байтлар шоирга замондош — Қорий ва Сирожиддин Сидқийлар қаламига мансуб. Шунингдек, Камий шеърятинида ғазалнинг тагабуъ, муваншаҳ, мусажжаъ, раддул-маглаъ, муламмаъ каби шаклларини ҳам учратиб мумкин. Ҳажм ва миқдор эътибори билан Камий ижодида ғазалдан кейин бандга асосланган жанрлар туради. Улар мумтоз шеършуносликда мусаммаат дейилган. Шоир ижодида мусаммаатлар адади ўттизга (26таси "Дилни обод айлангиз" тўпламига кирган). Шундан учтаси мусаддас. Йигирмага мухаммасдан ўн биттаси мустақил, тўққизтаси тахмис. Тахмислар Фузулий, Хувайдо, Муқимий, Ҳазиний, Феруз, Роқий, Узлат, Қоғиб, Меҳрий (Ҳожи Муин) каби шоирларнинг ғазалларига боғланган.

Камий самарали ижод қилган жанрлардан яна бири таърихдир. Улар йигирма бешта. Шундан олтигаси сарих (очик, равшан), ўн тўққизтаси таъмия усулида ёзилган. Таъмия лугатда беркитилган, яширилган дегани. Камий таърих ёзишда мақкур усулнинг қомилул-аъдод, зоиул-аъдод, ноқисул-аъдод, зоиду ноқисул-аъдод шаклларидан фойдаланган. Шоир таъмиянинг ҳар тўртала кўринишида ҳам ўз маҳоратини кўрсата олган. Биз ишимизда уларнинг ҳар бирига биттадан мисол келтириб, мисолларда яширилган саналарни қондага мувофиқ ечиб, ечиш усуллари билан ҳам таништирдик. Камий таърихларини ёзилиш сабабига кўра ҳам тўрт турга ажратдик: 1) таваллуд; 2) вафот; 3) нашр; 4) иншоат таърихлари. Таърих жанр сифатида фақат ўзини хос қонуният ва поэтик хусусиятларга эга.

<sup>37</sup> Носиров О., Жамолов С., Зейноддинов М. Ўзбек классик шеърятини жанрлари. — Т.: Ўқитувчи, 1979, 84-б.  
<sup>38</sup> Хусайний, Атоуллоқ. Вақоийгу-с-санойиъ. — Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 156-б.



- Камий миллатларвар шоир. Бу унинг замонасида юз берган очарчилик, Февраль инқилоби, Туркистон мухторияти, Октябрь тўнғариши каби воқеаларга ижодий муносабатда кўринади.
- Камий туркий ва форсий адабиётдан тенг бахраманд бўлди, ҳар иккала адабиёт анъаналарининг бардавомлигини (лирик шеърят доирасида) таъминлашга хизмат қилди.
- Камий замонасининг устоз шоирларидан ҳам эди. У ўздан кейинги авлодга шеърят сирларини ўргатдигина эмас, балки ўз ижоди билан самарали таъсир ҳам кўрсатди.
- Камий шеърятининг мавзуларини, асосан, учта бўлиб ўрганиш мумкин: ишқий, ижтимоий ва маърифий. Улар баъзан ўз қамровидаги мавзудан ташқари услуби, образлари ва бадий даражаси билан ҳам фарқланиб туради. Масалан, ишқий лирика ўзининг бадий пишиқлиги ва поэтик кашфиётларга бойлиги билан ажралиб турса, маърифий ва ижтимоий шеърлар эса миллий-ижтимоий-сиёсий мотивнинг куччилиги ҳамда публицистик руҳнинг устуңлиги билан эътиборни тортади.
- Камий ўз ижодий фаолияти давомида мумтоз шеърятимизнинг ғазал, мурабба, мухаммас, мусаддас, маснавий, рубоий, қитъа, таърих, фард каби жанрларида ижод қилди. Шунинг баробарида, ушбу жанрларнинг ўзбек адабиётининг янги даврида формал-поэтик ва мавзу жиҳатидан такомиллашувига ўз хиссасини қўшди.
- Таърих Камий ижодида алоҳида ўрин тутади. Шоир таърихлари икки жиҳатдан: 1) XIX аср охири XX аср бошларида юз берган воқеа-ходисаларга, баъзи нашрларга, вафот этган айрим шахсларга ижодкор муносабатини аниқлашда; 2) таърихнинг жанр сифатидаги қонунияти, поэтик хусусиятларини ва тарихий-ҳаётий функциясини инкишоф этишида алоҳида аҳамиятга эга.
- Таржимонлик Камий ижодий фаолиятининг яна бир қирраси ҳисобланади. Шайх Саъдий "Гулистон"нинг ўзбекча шарҳли таржимиси «Шавқи Гулистон»даги бир нечта шеърый парчаларнинг таржимаси фикримизнинг далили.

#### Диссертация мавзуи юзасидан эълон қилинган ишлар рўйхати

1. Тўлабоев О. "Тарчи билмаймиз хануз кимдур Камий..." // Каримбек Камий. Дилни обод айлангиз. Тошкент: "Маънавият", 1998. 10 б.т. (Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи).
2. Тўлабоев О. Каримбек Камий // Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Олий ўқув юрғлари учун дарслик. - Тошкент: "Маънавият", 2004. 192-204-бетлар.

3. Тўлабоев О. Шоир Каримбек Камий // Республика ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. - Тошкент, 1993.
4. Тўлабоев О. Каримбек Камий // "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали. 1994 йил, 4-сон, 43-49-бетлар.
5. Тўлабоев О. Камий адабий меросининг манбалари // "Адабий мерос" журнали. 1998 йил, 3-4-қўшма сон, 55-59-бетлар.
6. Тўлабоев О. Камийнинг ишқий лирикаси. // "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали. 2000 йил, 4-сон, 12-16-бетлар.
7. Тўлабоев О. Камий оқ подшонинг маддоҳи элими? // "Ёшлик" журнали, 2000 йил 4-сон, 32-33-бетлар.
8. Тўлабоев О. Камий таърихлари // "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали. 2001 йил, 4-сон, 37-42-бетлар.
9. Тўлабоев О. Бехудий ва Камий // «Мозийдан садо» журнали. 2002 йил, 4-сон, 38-39-бетлар.
10. Тўлабоев О. Камий ва «Ойна» // «Филология масалалари» журнали, 2005 йил, 1-сон, 101-105-бетлар.
11. Тўлабоев О. Гаспринский ҳақидаги биринчи шеър // «Талабалар дунёси» журнали, 2009 йил, 11-12-қўшма сон.
12. Тўлабоев О. Ҳар мушкулнинг бўлғуси ҳал... // "Ҳидоят" журнали, 2010 йил, 11-сон, 27-бет.



## РЕЗЮМЕ

диссертации Тулабаева Олима Олтиновича на тему «Жизненный и творческий путь Каримбека Ками» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.01.03 – История узбекской литературы

**Ключевые слова:** Национальное возрождение, просвещение, научная биография, творческая эволюция, литературно-эстетический взгляд, классификация, характеристика, классический литературный жанр, литография, творческая лаборатория, разнотипные произведения, творческое общение, авторская библиотека, суфизм, любовная лирика, просветительско-моральный идеал, газель, тазмин, татабуь, мувашшах, мусажжаъ, муламмаъ, мусаммат, тахмис, рефрен, таърих, марсия, сарих, таъмия, абждад, комил ул-ъдод, нокис ул-ъдод, зойд ул-ъдод, жумал, искот, идхол, зарб, фард.

**Объекты исследования:** источники, относящиеся к литературному наследию, жизни и творчеству поэта Каримбека Ками.

**Цель работы:** сбор литературного наследия, создание научной биографии, определение основных жанров и тем творчества поэта, уточнение национальной позиции и отношение поэта к сложной социально-политической действительности того времени, вклад и место его в узбекскую литературу эпохи Национального возрождения.

**Метод исследования:** сравнительно-исторический.

**Полученные результаты и их новизна:** впервые в монографическом плане исследуется жизнь и творчество Ками. Изучены источники относящиеся жизни и творчеству поэта, создана научная биография. Классифицированы основные темы и жанры творчества поэта. Обращено внимание на поэтическое мастерство. Определено место поэта в узбекской литературе эпохи Национального возрождения.

**Практическая значимость:** материал диссертации можно использовать по литературе эпохи Национального возрождения. При определении жанрового и тематического развития узбекской поэзии, а также в освещении истории борьбы за Независимость.

**Степень внедрения:** как результат научного исследования была напечатана основная часть литературного наследия Ками. (Каримбек Камий. Дилни обод айлангиз. – Т.: «Мавнавият», 1998). Введена как отдельная литературная фигура в учебник. (Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т.: «Мавнавият», 2004). По теме диссертации опубликованы ряд научных статей

**Область применения:** изучение проблемы литературы эпохи Национального возрождения, в исследовании теории и развития классическо-поэтических жанров, в создании истории борьбы за Независимость.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Тўлабоев Олим Олтиновичнинг 10.01.03 – Ўзбек адабиёти тарихи бўйича «Каримбек Камийнинг ҳаёт ва ижод йўли» мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕ СИ

**Таянч сўзлар:** Миллий уйғониш, маърифатчилик, илмий биография, ижодий эволюция, адабий-эстетик қараш, тасниф, тавсиф, мудмтоз адабий жанр, тошбосма, ижодий лаборатория, пароканда асарлар, ижодий мулоқот, ижодкор кутубхонаси, тасаввуф, ишқий лирика, маънавий-ахлоқий идеал, ғазал, тазмин, татабуь, мувашшах, мусажжаъ, муламмаъ, мусаммат, тахмис, таржеъ, таърих, марсия, сарих, таъмия, абждад, комил ул-ъдод, нокис ул-ъдод, зойд ул-ъдод, жумал, искот, идхол, зарб, фард.

**Тадқиқот объекти:** шоир Каримбек Камийнинг адабий мероси, ҳаёти ва ижодига оид манбалар.

**Ишнинг мақсади:** Камийнинг адабий меросини тўллаш, илмий биографиясини яратиш, шоир ижодининг асосий жанр ва мавзуларини белгилаш, адибнинг ўзи яшаган мураккаб ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабати ҳамда миллий позициясини аниқлаш, унинг Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётидаги ўрни ва хизматларини кўрсатиб бериш.

**Тадқиқот усули:** тарихий-қиссий.

**Олинган натижалар ва уларнинг аhamияти:** Камийнинг ҳаёти ва ижоди илк мартабада монографик планда тадқиқ этилди. Ҳаёти ва ижодига оид манбалар ўрганилди ва илмий биографияси яратилди. Шоир ижодининг асосий мавзу ва жанрлари тасниф этилди, поэтик маҳоратига эътибор қаратилди. Шоир Камийнинг Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётидаги ўрни кўрсатиб берилди.

**Амалий аҳамияти:** диссертациядан Миллий уйғониш даври адабиёти бўйича дарслик ва қўлланмалар яратишда, ўзбек шеърятининг ушбу даврдаги мавзулар тараққиёти ва жанрлар такомиллини белгилашда ҳамда мустақиллик учун кураш тарихини ёритишда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси:** Илмий изланишларнинг натижаси ўларок Камий адабий меросининг асосий қисми нашрга тайёрланди. (Каримбек Камий. Дилни обод айлангиз. – Т.: «Мавнавият», 1998. – 160 б.). Алоҳида адабий сиймо сифатида «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» (– Т.: «Мавнавият», 2004. 192-204-б.) дарслигига киритилди. Шунингдек, диссертация мавзусига оид қатор илмий мақолалар эълон қилинди.

**Қўлланмиш соҳаси:** Миллий уйғониш даври адабиёти муаммоларини ўрганиш, мудмтоз шеърый жанрлар такомилли ва назариясини тадқиқ этиш, Мустақиллик учун кураш тарихини яратишда.



## SUMMARY

**Thesis of Tulabayev Olim Oltinovich on the scientific competition of the candidate of philology sciences, specialty 10.01.03 – The history of Uzbek literature on the theme "The life and creativity of Karimbek Kami".**

**Key words:** National Renaissance, education, scientific biography, creative evolution, literary and esthetic point, classification, characteristics, classical literature genre, lithography, creative laboratory, polytypical work, creative communication, author's library, Sufism, amorism, a moral ideal, gazelle, tazmin, tātabbu, muvashshakh, musajja, mulamma, musammat, takhmis, refren, tarikh, marsiya, sarikh, tamiya, abjad, komil ul-adod, nokis ul-adod, zoid ul-adod, jumal, isqot, idkhol, zarb, fard.

**Subjects of the research:** the sources about a literary heritage, life and creativity of Karimbek Kami.

**Aims of the research:** collection of literary heritage, creation of the scientific biography, definition of the basic genres and themes of poet's creativity, specification of a national position and relation of the poet to the complex social and political validity of that time, his contribution and place in Uzbek literature of the National renaissance epoch.

**Methods of research:** comparative and historical

**Obtained results and their novelty:** The life and creativity of Kami is investigated for the first time in the monographic plan. The sources are investigated about his life and creativity, his scientific biography is created. The basic themes and genres of the poet's creativity is classified. Poetic skills and professionalism are attentively studied. The place of the poet in the Uzbek literature of National Renaissance epoch is determined.

**Practical importance:** The material of the thesis can be used for studying of the National Renaissance's epoch literature, for the definition of genre and thematic development of the Uzbek poetry, and also for explanation of the history of struggle for Independence.

**Degree of application:** The basic part of a literary heritage of Kami (Dilni obod aylangiz, Tashkent, "Manaviyat", 1998) was printed as a result of scientific research. Kami is introduced in Uzbek literature manual as a literary person (Milliy uyg'onish davri, O'zbek adabiyoti – Tashkent, "Manaviyat", 2004). Many articles are published on a theme of the thesis.

**Area of application:** studying of the problems of the National Renaissance epoch's literature, research of the theory and development of classical poetic genres, in creation of a history of struggle for Independence.

Б.Босмахонова 2010 йил 26 ноябрда топирилади.  
Б.Босишта 2010 йил 26 ноябрда рухсат этилади.  
Б.Биними: 60x84 1/16 «Times New Roman» гарнитурасида

офсет босма усулида офсет қоғозида  
босилди. 1,5 шарт. б.т.  
А.Адали 100 нуска 155-сон буюртма.

«Мухаррир» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилади.  
Т.Тошкент ш., Элбек кўчаси, 8-уй.